

ХИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Иш ҳақи. 2018 йил январь-июнь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

- таълимда 969 та муассасада 56003 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 48,5 фоизни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 338,9 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 42,2 фоизни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1008602,0 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 15,6 фоизга ўсди;

- саноатда 31 та корхонада 11952 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши - 10,3 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 108,6 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 13,5 фоизни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1514471,9 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 38,5 фоизга ўсди;

- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 62 та муассасада 21446 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,6 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 124,1 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 15,4 фоизни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 964253,4 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 15,0 фоизга ўсди;

- ташиш ва сақлашда 7 та корхонада 2501 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,2 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 26,7 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 3,3 фоизни) ташкил этган. Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1780776,2 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 32,7 фоизга ўсди;

- молиявий ва суғурта фаолиятида 29 та муассасада 3021 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,6 фоиз) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 48,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 6,0 фоизни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2662866,2 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 33,0 фоизга ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2018 йил январь-июнь ойларида Хоразм вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1159178,0 сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 24,0 фоизга ўсишни таъминлади.

Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди

2018 йил январь-июнь ойларида

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	Корхона ва ташкилотлар сони, бирлик	Ходимлар сони, киши	Иш ҳақи фонди, млн. сўм	Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм
Хоразм вилояти - жами	1529	115516	803421,6	1159178,0
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	31	11952	108605,8	1514471,9
Қурилиш	11	1429	9665,5	1127307,7
Савдо	21	2113	15112,6	1192031,0
Ташиш ва сақлаш	7	2501	26722,3	1780776,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	10	43	201,4	780591,5
Ахборот ва алоқа	18	824	7155,5	1447300,1
Молиявий ва сугурта фаолияти	29	3021	48267,1	2662866,2
Таълим	969	56003	338908,4	1008602,0
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	62	21446	124076,3	964253,4
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	41	1353	7307,2	900124,3
Бошқа фаолият турлари	330	14831	117399,5	1319303,3




2018 йил январь-июн ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори ўсиш суръати ахборот ва алоқада 49,7 фоиз, молиявий ва суғурта фаолиятида 33,0 фоиз, саноатда 38,5 фоиз, қурилишда 21,8 фоиз кузатилди.

2018 йил январь-июнь ойларида вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан молиявий ва суғурта фаолиятида 129,7 фоиз, ахборот ва алоқада 24,8 фоиз, саноатда 30,6 фоиз, ташиш ва сақлашда 53,6 фоиз юқори ўсишни ташкил этган бўлса, аксинча яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 32,7 фоизга, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 16,8 фоизга, таълимда 13,0 фоизга, Санъат, кўнгил очиш ва дам олишда 22,4 фоизга камайишни кўрсатмоқда.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати


2018 йил январь-июнь ойларида

(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Урганч шаҳрида 1427312,9 сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан (123,1 %) ташкил этган бўлса, Хазарасп туманида 1189310,9 сўмни (102,6 %), Гурлан туманида 964163,0 сўмни (83,2%), Шовот туманида 911516,4 сўмни (78,6 %) ва Янгибозор туманида 945120,0 сўмни (81,5%) ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-июнь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январь-июнь ойларида 426466,2 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Хоразм вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(январь-июнь; қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, сўм)

	2017 йил	2018 йил	Ўсиш суръати, %
Хоразм вилояти	934602,6	1159178,0	124,0
Урганч шаҳар	1098932,7	1427312,9	129,9
Хива шаҳар	-	1031866,4	-
<i>туманлар:</i>			
Богот	846058,0	1004180,1	118,7
Гурлан	798683,1	964163,0	120,7
Қўшқўпир	858838,5	1021597,1	118,9
Урганч	862909,8	1085581,8	125,8
Хазорасп	951321,7	1189310,9	125,0
Хонқа	895554,8	1063444,5	118,7
Хива	858030,7	1012368,2	118,0
Шовот	806758,7	911516,4	113,0
Янгиариқ	844448,2	1044161,8	123,6
Янгибозор	790365,6	945120,0	119,6

